



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
UYCHI TUMANI HOKIMINING
QARORI

2021 - yil 29 - sentabr

279-6-86-Q/21

Uychi tuman hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2022 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг 14, 43-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш ҳамда туманда 2022 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2022 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхона, муассаса ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 372 нафарни ташкил этадиган 10 фоиз миқдорида, шу жумладан:

- ногиронлар учун 3,0 фоиз (111 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронларни ишга жойлашиши бўйича талаб 10 та бўлганлиги сабабли, келгусида 101 та иш ўрнини умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган

ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,6 фоиз (134 киши);

- ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 2.4 фоиз (91 киши);

- пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0.2 фоиз (9 киши);

- сафарбарлик чақируви резерви хизматини ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун 0,3 фоиз (11 киши);

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,3 фоиз (10 киши);

- одам савдоси қурбонлари учун 0,1 фоиз (3 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиксиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

- 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

- сафарбарлик чақируви резерви хизматини ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

- ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиксиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

- пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

- жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

- одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарбиячи, ёрдамчи тарбиячи, тарозибон, электрик, автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёкар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭХМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон,

қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг **2-иловасида** кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

- 2022 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, захирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2022 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини биринчи чорак якунлангандан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай хабардор қилсин;

- ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5 (бешинчи) санасигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги ҳақида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг мазкур қарори бажарилмаслиги сифатида баҳоланиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича мазкур қарори талаблари бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асосиз равишда рад этилганда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) мувофиқ субсидиялар ажратиш бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган корхона, муассаса ва ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдоридида ҳақ тўлашни таъминласин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Ж.Мадрахимов) мазкур қарорни беш кун муддат ичида қарорнинг **2-иловасида кўрсатилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларига етказилишини таъминласин.**

9. Мазкур қарор “Уйчинома” газетасида расман эълон қилинсин ва туман

хокимлигининг расмий веб сайтыга жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 (уч) ой ўтгач кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вазифаси туман хоқимининг биринчи ўринбосари Ш.Имамов зиммасига юклатилсин.

Туман хоқими



М.Маматхонов

Уйчи туман ҳокимининг
2021 йил 29 сентябрдаги
279-6-86-Q/21-сон қарорига
1-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:

1. **Ш.Имамов** - Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари:

2. **Ж.Мадрахимов** - Туман бандликка қўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари:

3. **Х.Бозарова** - Туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

4. **Ш.Камалов** - Туман ҳокимлигининг Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шўъбаси мудир

5. **М.Мўминов** - Туман халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудир

6. **Ф.Бобомирзаев** - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби:

7. **М.Дедаханова** - Туман бандликка қўмаклашиш марказининг Ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Уйчи туман ҳокимининг
2021 йил 29 сентябрдаги
279-6-86-Q/21-сон қарорига
2-илова

МАЪЛУМОТ

Уйчи туманида "Иқтисодий муҳофизатга муҳтож ва иш тоғида қийналаётган шахсларни илгари жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ қордон, муассаса ва ташкилотларда 2022 йил учун белгиланган квота иш ўринлари ҳақида

№	Ташкилотлар	Жами ишловчилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўринлар сони	Шу қословда															
				Ногиронлар учун (3 фой)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хувор таълими муассасаларини ташкилотларнинг мамоналарига ёшлар шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўли тўғр билача ва ногирон болалари бўлган ёғиз ва кўли болани оти-оқалар учун		Туман Бандликка қўмақлаштириш марказида иш қилувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун		Муздайтилган харбий хизматдан бўшатилганлар учун		Жазони ўташ муассасаларидан оқош қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги маъбурий чоралари кўрилган шахслар учун		Одам савдоси қурбонлари учун		Атрофдагилар учун хавф туғдирийдиган яқиний аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун	
				сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи
1	Туман ободонлаштириш бошқармаси	168	17	5	3,0	2	1,2	4	2,4	1	0,6	1	0,6	2	1,2	1	0,6	1	0,6
2	Уйчи туман Тиббий ёрдам б.ш.и	2076	208	65	3,1	74	3,6	56	2,7	2	0,1	3	0,1	4	0,2	2	0,1	2	0,1
3	Уйчи ТЭҚТЭФД қордон	100	10	3	3,0	3	3,0	2	2,0	0	0,0	1	1,0	1	1,0	0	0,0	0	0,0
4	Туман маданият бўлими	41	4	1	2,4	2	4,9	1	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
5	"Мубарак юре слик" МЧЖ	38	4	1	2,6	1	2,6	2	5,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
6	7-умумий ўрта таълим мактаби	105	10	3	2,9	3	2,9	1	1,0	1	1,0	1	1,0	1	1,0	0	0,0	0	0,0
7	8-умумий ўрта таълим мактаби	38	4	1	2,6	2	5,3	1	2,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
8	16-умумий ўрта таълим мактаби	70	7	2	2,9	3	4,3	2	2,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
9	14-умумий ўрта таълим мактаби	70	7	2	2,9	3	4,3	2	2,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
10	26-умумий ўрта таълим мактаби	114	11	4	3,5	3	2,6	1	0,9	1	0,9	1	0,9	1	0,9	0	0,0	0	0,0
11	31-умумий ўрта таълим мактаби	66	7	2	3,0	3	4,5	2	3,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
12	36-умумий ўрта таълим мактаби	76	8	2	2,6	2	2,6	2	2,6	1	1,3	1	1,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0
13	38-умумий ўрта таълим мактаби	102	10	3	2,9	4	3,9	2	2,0	1	1,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
14	8-умумий ўрта таълим мактаби	109	11	3	2,8	4	3,7	1	0,9	1	0,9	1	0,9	1	0,9	0	0,0	0	0,0
15	29-умумий ўрта таълим мактаби	71	7	2	2,8	3	4,2	1	1,4	0	0,0	1	1,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0
16	4-мактабгача таълим ташкилоти	35	3	1	2,9	1	2,9	1	2,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
17	2-мактабгача таълим ташкилоти	44	4	1	2,3	2	4,5	1	2,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
18	26-мактабгача таълим ташкилоти	71	7	2	2,8	3	4,2	1	1,4	1	1,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
19	33-мактабгача таълим ташкилоти	42	4	1	2,4	2	4,8	1	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
20	27-мактабгача таълим ташкилоти	45	4	1	2,2	2	4,4	1	2,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
21	32-мактабгача таълим ташкилоти	42	4	1	2,4	2	4,8	1	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
22	23-мактабгача таълим ташкилоти	44	4	1	2,3	2	4,5	1	2,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
23	11-мактабгача таълим ташкилоти	42	4	1	2,4	2	4,8	1	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
24	31-мактабгача таълим ташкилоти	41	4	1	2,4	2	4,9	1	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
25	12-мактабгача таълим ташкилоти	44	4	1	2,3	2	4,5	1	2,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
26	16-мактабгача таълим ташкилоти	49	5	1	2,0	2	4,1	1	2,0	0	0,0	1	2,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
	Жами	3743	372	111	3,0	134	3,6	91	2,4	9	0,2	11	0,3	10	0,3	3	0,1	3	0,1